

ОЗУҚАБОП АММОНИЙ ФОСФАТЛАР - ОАФ
Ts 00203074-28:2016

Сотувдаги номи - **Озуқабоп аммоний фосфатлар**
Синоними - **ОАФ**
Кимёвий формуласи - **NH₄H₂PO₄**

Озуқабоп аммоний фосфатлар - **ОАФ** фосфат хом ашёсидан олинган экстракцияланган фосфор кислотаси асосида олинадиган озуқабоп аммоний фосфатларга қишлоқ хўжалик моллари ва паррандалари учун ва балиқчиликда озуқага қўшимча минерал модда сифатида, иссиқхона хўжалиги ва томчилаб киритиш учун экологик тоза азот – фосфорли ўғит сифатида ишлатилади.

Қишлоқ хўжалиги хайвонлари учун етарли овқатланишини таъминлаш, хусусан, минералларни тўғр озиқлантиририш (рационни фосфор ва азот миқдори бўйича мувозанатлаш) чорвачилик маҳсулотларининг маҳсулдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга ёрдам беради.

КИМЁВИЙ ФИЗИКАВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кўрсаткич номи	Маркалар учун меъёрлар	
	А	Б
1 Ташқи кўриниши	Донадор, кристалл ва талқонсимон аралашма. Ранги оқ ёки оқиш.	
2 0,4 %-ли хлорид кислота эритмасида эрийдиган фосфорнинг масса улуши, P ₂ O ₅ да ҳисобланганда, %	камида 55	53±1
3 0,4 %-ли хлорид кислота I эритмасида эрийдиган азотнинг (N) масса улуши, %	12±1	12±1
4 Фторнинг фосфорга масса нисбати (F: P ₂ O ₅), кўпи билан	0,0045	0,0045
5 Маргимушнингмасса улуши (As), кўпи билан, %	0,006	0,006
6 Қўрғошиннинг масса улуши (Pb), кўпи билан, %	0,002	0,002
7 Водород ионлари фаоллиги кўрсаткичи, рН бирлиги, камида	4,5	4,5
8 Сувнинг масса бирлиги, кўпи билан, %	2,0	2,0
Элаклаш тавсифлари Қуйидаги ўлчамли заррачаларнинг масса улушлари: 4-6 мм гача, кўпи билан, %, 6 мм дан ортик, %	3 йўқ	3 йўқ

Изоҳ

1 Фосфор ва азот масса улушларининг тепа чегараси оширилишига йўл қўйилади.

2 Сувнинг масса улуши бўйича кўрсаткичи қадоқлаш вақтига меъёрлаштирилади.

3 4, 5, 6, 7 - кўрсаткичларга мувофиқлиги ишлаб чиқарувчи корхона томонидан кафолатланади.

4 4, 5, 6 бандлари кўрсаткичлари маҳсулот минерал ўғит сифатида қўлланилганида – меъёрлаштирилмайди.

ТРАНСПОРТДА ТАШИШ

қадоқланган холда полиэтилен пакетларда, полипропиленли, полиэтиленли, қоғозли қопларда, биг-бегларда, контейнер ёки тўкма холда.

ТАМҒАЛАШ

босма равишда амалга оширилиб, босма иссиқ холда туширилади, штемпель ёрдамида ёки санчиб тешиш орқали амалга оширилади, шунингдек ёрлиқ қадоққа ва транспорт тарасига ёпиштирилади ёки хар бир қадоқнинг, хар бир транспорт тарасининг иккиламчи қадоғининг ичига солинади ёки истеъмолчи билан келишилган ҳолда тамғалашнинг бошқа усулларини қўлланилади.

САҚЛАШ

ёпиқ, иситилмайдиган, атмосфера ёғингарчиликлари (ёмғир, қор) ва ер ости сувлари тушмайдиган омборларда сақланади.

Озуқа фосфатларини ўғитлар ва захарли моддалар сақлаш мумкин эмас.

Озуқабоп аммоний фосфат беришнинг кафолатланган муддати маҳсулот ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 6 ойни ташкил қилади.

Озуқабоп аммоний фосфатни яроқлилик муддати – чекланмаган.

Корхонада ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO 50001, O'z DSt ISO 9001, O'z DSt ISO 14001, O'z DSt OHSAS 18001, O'z DSt ISO 50001 стандарт талабларига мувофиқ сифат менеджменти тизими ишлаб чиқилган, сертификатланган ва тадбиқ қилинган.

Ўзбекистан 110100 Ташкент вилояти Олмалик шаҳар АО «Аммофос-Максам»

Факс:

70-613-31-32, 70-613-05-70

Дирекция телефони:

78-150-41-41, 70-613-31-32

Тижорат бўлими телефон рақами:

78-150-58-14, 70-613-05-70

E-Mail: info@ammofos-maxam.uz

www.ammofos-maxam.uz

Кўллаш бўйича кўрсатмалар

Чорва моллари учун фосфорнинг асосий манбаси уларга бериладиган ем ҳисобланади. Қорамол, бузоқ, қўй ва эчкиларнинг асосан силос, беда, похол ва оз миқдорда бошоқли, ғаллали концентратлардан иборат рационда кальций миқдори (15 - 20) % га кўп бўлиб, фосфор ва азот миқдори эса белгилангандан (20 - 40) % кам бўлади.

Чорва моллари ем таркибида кальций моддаси кўп бўладиган қиш даврида азот ва фосфор моддаларининг танқислигини саноат минерал қўшимчалари - натрий ва аммоний фосфатларни қўшиш орқали тўлдириш мумкин. Уларнинг миқдори асосий озуқа таркибининг (0,3 - 0,7) % атрофида бўлади.

Чорва моллари рациондаги озуқабоп фосфатларнинг миқдори, уларнинг тури, ёши, массаси ва унумдорлигига боғлиқ бўлади. Мисол учун: соғиладиган сигирлар учун минерал қўшимча озуқанинг ўртача бир суткалик меъёри 35-200 граммни ташкил этади, ёш чорва моллари учун – 1 ёшгача 10 дан 70 граммгача, 1 ёшдан тепасига (25-100) g, совлиқ қўйлар учун 2-15, урғочи чўчқалар учун – 20-100, ўрдақлар учун – 3-7, товуклар учун - 1,5-4 граммни ташкил этади. Озуқабоп фосфатлар одатда озуқабоп хамиртуруш, силос, турп, майдаланган илдизмевали ўсимликлар билан аралаштирилиб берилади.